

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Толипова Бахтигул Фарходовна
Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси таянч докторанти
E-mail: b.tolipova@tsue.uz

Аннотация: Ушбу мақолада озиқ-овқат саноатида юзага келатган муаммолар тўғрисида фикр билдирилган. Асосий эътибор озиқ-овқат корхоналарини муҳофаза қилиш бўйича комплекс ёндашувга қаратилган. Корхонларда ресурслар самарадорлигининг ўрни ва аҳамияти нимадан иборат эканлиги қайд этилган. Шунингдек, мақолада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда рақамли технологиялардан фойдаланишга асосланган ахборот тизимларининг методлари ва лойиҳалаш воситалари хусусида сўз юритилди.

Калит сўзлар: озиқ-овқат саноати, инвестиция, озиқ-овқат маҳсулотлари, рақамли иқтисодиёт, қайта ишлаш, технология, модернизация.

Abstract: The article focuses on the review of the problems facing the food industry. The focus is on an integrated approach to the protection of food enterprises. It was noted what the role and importance of resource efficiency in enterprises is. The article also discusses methods and means of designing information systems based on the use of digital technologies in food production.

Key words: food industry, investment, food products, digital economy, processing, technology, modernization.

Кириш

Дунё бўйлаб SARS-CoV-2 коронавирусининг тарқалиши ҳамда COVID-19 пандемиясининг вужудга келиши, шунингдек, мамлакатлар томонидан рискга қарши қабул қилинган эҳтиёт чоралари истеъмолчилар ҳатти-ҳаракатига сезиларли даражада ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Мазкур параграфда озиқ-овқат саноатига COVID-19 пандемиясининг таъсири ва уни юмшатишда автоматлаштиришнинг ўрни тўғрисида сўз юритилади.

Табиийки, турғунлик ёки инқирозлар даврида ишлаб чиқариш жуда катта узилишлар ва қийинчиликларга дуч келади. Озиқ-овқат саноати ҳам бундан мустасно эмас. Бугунги кунда республикада 12 мингдан ортиқ озиқ-овқат саноатига ихтисослашган корхоналар фаолият олиб бормоқда[1]. Маълумки, мамлакатимиз ҳудудида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш билан асосан кичик ва ўрта тадбиркорлик вакиллари фаолият юритишади. Уларни қўллаб-қувватлаш турмуш даражасини оширишга бевосита сабаб бўлувчи омилдир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан пандемиянинг салбий оқибатларига жавобан иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритиши учун тадбиркорлик субъектларига солиқлар ва кредитлар, имтиёз ва преференцияларни бериш тартиби жорий этилди ва такомиллаштирилди[2].

2020 йил номини “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилишнинг асосий мақсади, авваламбор, жамият ва ишлаб чиқаришни янги технологик босқичга олиб чиқишдан иборатдир. Мамлакатимизда

анъанага мувофиқ йил номидан келиб чиқиб амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилади. "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат Дастурнинг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикасининг рақобатбардошлиги ва миллий хавфсизлиги муаммоларини ҳал қилишга ҳисса қўшадиган жамиятда рақамли муҳитни яратишдан иборатдир[3]. Янги иқтисодиётнинг афзалликларини: масофадан туриб ишлашни жорий этиш, ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш, бозорни барча саноат тармоқларига эркин кириб бориш, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашни осонлаштириш ва шу кабиларда яққол намоён бўлишини кузатиш мумкин:

Озиқ-овқат ва уни қайта ишлаш саноатига хос бўлган асосий тизимли муаммолар қуйидагилар:

- қайта ишлаш саноати учун маълум сифат кўрсаткичларига эга бўлган қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг етишмаслиги;

- технологик ускуналарнинг маънан ва жисмонан эскириши, қишлоқ хўжалигини қайта ишлашнинг алоҳида турлари бўйича ишлаб чиқариш қувватининг етишмаслиги;

- мамлакатимиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг ички ва ташқи озиқ-овқат бозорларида сушт рақобатбардошлиги;

- озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва логистика инфратузилмасининг ривожланмаганлиги;

- озиқ-овқат саноати корхоналарининг саноат зоналарида экологик талабларга етарлича амал қилмаслик;

- қишлоқ хўжалиги хом ашёлари (дон, гўшт, мой олинадилан ўсимлик) учун юқори нарх ўзгарувчанлиги.

Мазкур мақолада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда рақамли технологиялардан фойдаланишга асосланган ахборот тизимларининг авваламбор замонавий методлари ва лойиҳалаш воситаларини жорий этиш масалалари кўриб чиқилади.

Манбаларда келтирилишича рақамли иқтисодиёт бу – электрон тижорат билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда электрон маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, сотиш билан боғлиқ бўлган тижорат фаолиятининг турли кўринишидир[4]. Рақамли иқтисодиётнинг асосий йўналишларидан бири бу интернет орқали тез ва осон хизмат кўрсатишдир.

Технология ривожланишда давом этар экан, рақамли иқтисодиёт ҳам кенгайишда давом этади, чунки электрон кўринишда тақдим этилаётган товарлар ва хизматлар турлари доимий равишда ўсиб бормоқда. Рақамли иқтисодиётнинг энг муҳим афзаллиги шундаки, истеъмолчилар маҳсулотларни арзонроқ нархларда олишлари мумкин. Замонавий озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатининг тенденцияларидан бири бу корхоналарни комплекс лойиҳалаштириш ва жиҳозлаштиришдир. У янги корхоналарда ҳам, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатида энг қадимги тарихга эга корхоналарда ҳам қўлланилиши мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тадқиқот доирасида озиқ-овқат саноати фаолиятини такомиллаштириш бўйича маҳаллий олимларимиздан Н.М. Зиявитдинова[5] ўзининг иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясида озиқ-овқат саноати корхоналарида бозор стратегиясини шакллантиришда, уларни ривожлантириш

йўналишларини ишлаб чиқишда ва тармоқ бошқарувининг ташкилий тузилиши такомиллаштирилган.

Шунингдек, И.Ю. Умаров[6] томонидан олиб борилган тадқиқотда озиқ-овқат саноати иқтисодий салоҳиятини баҳолаш бўйича услубий ёндашув ишлаб чиқилган ҳамда тадқиқ қилинган минтақа озиқ-овқат саноати корхоналарининг молиявий-иқтисодий салоҳияти баҳолаш ишлари амалга оширилган.

Мазкур тадқиқот ишида юқоридаги ишлардан фарқли ўлароқ озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда автоматлаштириш жараёнларини модернизациялаш орқали рақамли технологиялардан фойдаланишга асосланган ахборот тизимларининг методлари ва лойиҳалаш воситалари хусусида сўз юритилди.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишидаги муаммоларни ўрганишда таҳлил ва синтез усулидан фойдаланилди. Шунингдек, тадқиқот ишига оид қарашларни, фикрларни таҳлил қилишда индукция ва дедукция усуллари кенг қўлланилди. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотларининг таҳлилида статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлама кузатув усулларидан фойдаланилди. Ишни мазмунини бойитиш ва унга хулосавий фикрларни беришда илмий абстракциялаш ва бошқа усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунга келиб республикада озиқ-овқат корхоналари сони ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари ҳажми кундан кунга ортиб бормоқда. 2.1-расмда келтирилган маълумотларга қараб уларнинг сонини 2009 йилдан 2018 йилга қадар икки баравардан зиёдга ошганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини 2009 йилда 2260,1 млрд. сўмдан 2018 йил 13274,8 млрд. сўмга етганлиги гувоҳи бўламиз.



1-расм. Республикада фаолият кўрсатаётган озиқ-овқат корхоналари асосий кўсаткичлари

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди

Озиқ-овқат саноати корхоналарнинг бугунги кундаги молиявий ҳолати асосан маркетинг стратегиясининг ёндашувини танлаш билан аниқланади. Озиқ-овқат

саноатида маркетинг стратегиясининг асоси товарлар ва хизматлар ҳаракати рақобатбардошлигини бошқариш ҳисобланади. Товар ва хизматларни тарғиб қилишга таъсир қилувчи асосий омиллар қуйидагилар:


- товарлар ва хизматлар сифати;
- рақобатчилар билан таққослагандаги нарх.

Маҳсулотни танлашда харидор кўпинча нарх ёки сифатга устунлик бериш лозимлиги билан тўқнашади. Аксарият ҳолларда у товарларнинг сифатини афзал кўради. Шунини аниқ айтиш мумкинки, маҳсулотни охириги харидорга етказиш жараёни ҳам давлат томонидан тез орада рақамли технологияларга асосланган янги бошқарув схемасига киритилади.

Озиқ-овқат саноатининг фаолияти ўзига хос мураккаб шароитларда амалга оширилади. Асосий ички муаммолар ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, тақчиллик, хом ашёнинг паст сифати ва нархнинг ўсиб боровчанлиги, шунингдек, сотишдаги номутаносиблик, импорт қилинадиган бутловчи қисмлар, озиқ-овқат қўшимчалари ва таркибий қисмларининг етказиб берилишга боғлиқлиги, озиқ-овқат муҳандислик илмий-техник салоҳиятининг пастлиги ва бошқа салбий ҳолатлардир. Бу ўз навбатида жиддий муаммоларни келтириб чиқаради, масалан, интеграциялашмаган қайта ишлаб чиқариш, ресурслар ва энергия тежашнинг самарасиз эканлиги натижасида маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги пасайишига, ишлаб чиқариш ҳажмларининг сезиларли даражада тушиши ва ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик даражасининг ошишига олиб келади.

Ишлаб чиқаришнинг хом ашё, фонд ва меҳнат сиғимларининг кескин ўсиши кузатилмоқда, бу эса тайёр маҳсулотлар ҳажмининг пасайиши билан изоҳланади. Ушбу омилнинг таъсири ўта муҳим ҳисобланади, чунки бу моддий харажатлар улушининг сезиларли даражада ўсишига олиб келади. Бу омилларнинг барчаси соҳада ресурсларни тежамкорлигининг пасайишига олиб келади.

Соҳанинг шу ва бошқа муаммолари тайёр маҳсулотни сотишдаги кафолатнинг йўқлиги, паст сифатли ишлаб чиқарувчилар томонидан қалбакилаштиришнинг кўпайиши билан мураккаблашиб боради.



2-расм. Озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш самарадорлиги

Манба: Муаллиф ишланмаси

Мавжуд шароитда озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб чиқаришни режали технологик ва техник модернизация қилиш, ташқи ва ички ресурслардан фойдаланиш, шунингдек, корхоналарни кенгайтириш (бирлаштириш) орқали оптималлаштириш зарурати билан дуч келмоқдалар. Бу эса корхонани модернизация қилишда комплекс ёндашув зарур эканлигини кўрсатади (2.2-расм). Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни глобал техник қайта жиҳозлаш учун инвестициялар ёки кредит маблағларидан фойдаланиш қўлланилган инновацияларни узоқ муддатда қопланиши билан боғлиқ жиддий ҳавфларни келтириб чиқаради. Шу сабабли, бугунги кун иқтисодий шароитида ишлаб чиқариш жараёнларида қўлланиладиган технологияларни изчил такомиллаштириш учун кичик ўзгаришларни босқичма босқич амалга ошириш энг самарали йўлдир. Ресурслардан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш циклининг барча босқичларида муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга, ишлаб чиқаришни бошқариш, меҳнат тақсимотини оптималлаштириш, технологик операцияларни амалга ошириш, шунингдек, моддий харажатларни камайтириш ҳамда маркетинг ва реклама фаолиятини оширишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Хом ашё базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришда ускуналарни жиҳозлаш учун кичик инвестицияларни жалб қилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ва маркетингни ташкил этиш ҳисобига йил давомида ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдалана олиш имконияти муҳим рол ўйнайди. Бундай янгиликларни танлаш имкониятлари фақат маркетинг хизматлари ва савдо бўлимининг самарадорлиги билан чекланиб қолган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда рақамли технологияларнинг муваффақиятли жорий этилиши ва замонавий ўрнатилган микропроцессор бошқарув тизимларидан фойдаланиш ноўрин инвестициялар киритиш ҳавфини камайтиради.

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари интернет тармоқларида ўз товарларининг улушини кўпайтиришдан манфаатдордирлар, шунинг учун рақамли иқтисодиёт доирасида изланишларни давом эттириш зарурати мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Озиқ-овқат саноати саноат тармоқларининг муҳим бўғини бўлиб ҳисобланади. Озиқ-овқат саноатида маҳсулотларни ишлаб чиқаришда юқори сифат стандартларига жавоб бериш, таннархнинг паст бўлиши ҳамда тезкорлик талаб этилади. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида гигиена қоидаларига риоя қилиш, ишлаб чиқариш технологияларидан самарали фойдаланиш маҳсулотнинг доимий равишдаги сифатини таъминлайди. Озиқ-овқат саноатининг қайси бўғини бўлишидан қатъий назар ишлаб чиқаришни бир маромда олиб боришга автоматлаштирилган юқори сифатли технологиялар орқали эришиш мумкин.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мамлакатлар ҳудудига кириб келиши кўплаб озиқ-овқат корхоналарида технологик узилишларни камайтиришга ўз таъсирини кўрсатади. Стратегик хорижий инвесторлар томонидан маҳаллий корхоналар жаҳон иқтисодиётидаги халқаро ихтисослашув ва глобаллашув жараёнларига олиб чиқилади. Озиқ-овқат саноати таркибига хорижий корхоналарнинг кириб келиши янги технологиялар, маҳсулотлар, ташкил этиш ва бошқариш методларини тадбиқ этиш жараёнлари глобализациясини бошлаб берди.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши билан таннархнинг пасайиб бориши бевосита ишлаб чиқариш жараёнларини автматлаштириш билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришда автоматлаштириш меҳнат унумдорлигини оширишга, ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтиришга, маҳсулот сифатини оширишга, ишлаб чиқариш жараёнида инсон

меҳнатининг улушини пасайишига ҳамда инсон меҳнатининг интеллектуаллашувига олиб келади. Замонавий иқтисодиёт шароитида жамиятда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ишлаб чиқаришни автоматлаштириш даражаси билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш даражаси юқори бўлган мамлакатларда аҳолининг анча юқори турмуш даражаси таъминланади.

Озиқ-овқат саноатида автоматлаштириш жараёни маҳсулот рақобатдордошлиги даражасини аниқлаб берувчи асосий омилдир.



3-расм. Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд.сўмда

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди


Шуни таъкидлаш жоизки, глобал иқтисодий шароитида озиқ-овқат саноатида рақобат кескин кучаймоқда. Бундай ҳолатда рақобатбардошликни кучайтириш мақсадида корхонанинг автоматлаштириш жараёнига инвестициялар жалб этиш мақсадга мувофиқдир. 2010 йил ва 2018 йиллар оралиғида соҳага киритилган ички инвестицияларга эътиборни қаратсак, у қуйидаги кўринишга эга:

Сўнги пайтларда саноати ривожланган мамлакатлар озиқ-овқат саноатида нанотехнологиялар ва автоматлаштиришнинг қўлланиши маҳсулотларга бўлган талабнинг кескин ошишига олиб келмоқда¹. Бошқа томондан эса, ривожланган мамлакатларда автоматлаштириш жадал суратлар билан ривожланиб бораёпти, ўз навбатида ишлаб чиқаришда қатнашаётган аҳоли улушининг камайишига олиб келаяпти. Кейинчалик ривожланган мамлакатларда саноат ишлаб чиқаришида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг атиги икки фоизи фаолият юритиши тахмин қилинмоқда. Булар асосан юқори малакали мутахассислар бўлиши кутилмоқда.

Озиқ-овқат саноатини автоматлаштириш – бу ишлаб чиқариш ва сотиш маълумотларини зудлик билан олиш, технологик маълумотларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнида ҳавфларни ўз вақтида бартараф эта олиш имкониятидир. Озиқ-овқат саноатидаги технологик жараёнларни автоматлаштириш ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини бошқарув тизими ҳавфсизлиги талабларига мувофиқлигини таъминлайди, шунингдек, аниқ миқдорий ҳисоб кўрсаткичларини

¹ T. Dilmaçunal. Chapter 14 - Intelligent Systems in the Food Packaging Industry: Contaminant Sensors and Security/Anticounterfeiting Devices. Nanotechnology Applications in Food Flavor, Stability, Nutrition and Safety 2017, Pages 287-306 (<https://doi.org/10.1016/B978-0-12-811942-6.00014-5>)

олиб боришни, ишлаб чиқариш жараёнини назорат этиш ва бошқариш имконини беради.




4-расм. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологик жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими функциялари

Манба: Муаллиф ишланмаси

Компьютерлаштирилган технологиялар озиқ-овқат саноати корхоналарида бутун ишлаб чиқариш жараёнини яхлит ҳолатга олиб келишга хизмат қилмоқда.

Одатда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳалари баъзан қўлда ёки ярим автоматик равишда бошқариладиган жараёнлар билан кўз ўнгимизда гавдаланади. Озиқ-овқат ишлаб чиқариш тизимидаги қарийб барча йўналишлар автоматлаштиришга эҳтиёж сезади. Унинг афзалликларини қуйида кузатишимиз мумкин:



5-расм. Озиқ-овқат саноатида автоматлаштиришнинг афзалликлари

Манба: Муаллиф ишланмаси

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қисқача хулоса ўрнида шуларни таъкидалаш мумкинки, озиқ-овқат саноатида автоматлаштириш тизимини жорий этиш, авваломбор, ишлаб чиқаришда маҳсулот таннархини кескин камайтиради, меҳнат унумдорлиги ошишига хизмат қилади ва энг муҳим маҳсулот сифати кўтарилиб, талаб ҳажми ошишига олиб келади.

Озиқ-овқат саноатини автоматлаштириш юқоридаги афзалликлар билан бирга Covid-19 пандемияси шароитида озиқ-овқат маҳсулотларининг гигиена жиҳатдан ҳавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлайди. Шунингдек, озиқ-овқат саноатида автоматлаштириш учун кетадиган харажатларни молиялаштиришда ички инвестицияларни жалб этиш, давлатнинг инқирозга қарши тузиладиган жамғармалари ва субсидияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар рақамлаштиришдан фойдаланиб, истеъмолчилар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш ва уларга яхшироқ ҳамда индивидуал маҳсулотларни таклиф қилиш учун, айниқса роботлар ва сунъий интеллектдан фойдаланиш йўлида кўп ишлар олиб боришмоқда.

Асосан корхоналар автоматлаштириш орқали рақамлаштириш жараёнларига жуда кўп сармоя тикишади. Рақамли технологияларга инвестициялар киритишнинг энг катта тўсиғи бўлиб, малакали ходимларнинг озлиги, шунингдек, мавжуд ечимлар ҳақидаги билим ва имкониятларнинг етарли эмаслигидир. Қолаверса, мамлакатимиз фойдаланиши зарур бўлган муҳим ресурс салоҳиятига эга эканлиги озиқ-овқат саноати ва бошқа хом ашёни қайта ишлашнинг замонавий базаларини қуриш учун сармояларни жалб қиладиган қулай инвестиция муҳитини яратиш муаммосини ҳал қилишни тақозо этади.

Шунинг учун инвестицион тадқиқотлардан олдинги масала, биринчи навбатда, бир томондан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ҳар хил шароитларни ҳисобга оладиган ва бошқа томондан таҳлилнинг шаклланмаган элементларини ҳисобга олишга имкон берадиган услубни яратишдан иборат бўлиши лозим.

Инвестициялаштириш жараёни инвесторлар маблағларини «капитал қўйилма»ларга айлантиради. Харажатларни қоплаш босқичида инвестициялар ҳаракати шакллари ва турлари бўйича тавсифи ишлаб чиқариш фондларининг доимий айланишига ва қиймат шакллари босқичма-босқич ўзгартиришга йўналтирилган иқтисодиётнинг реал секторида реал капитал қўйилмаларни ишлаб чиқариш даврида берилади. Бундай айланишнинг натижаси бўлиб капитал қийматини оширувчи маҳсулот ҳисобланади ҳамда уни тадбиқ этиш натижасида режалаштирилган даромадга эришилади. Корхоналар маблағларининг узлуксиз айланиши доимий инвестициялар ҳисобига содир бўлади. Бунга параллел равишда ишлаб чиқариш соҳасида янги инвестициялар учун зарур шарт-шароитлар яратилади.



6-расм. Озиқ-овқат корхоналарининг инвестициялаш жараёни схемаси

Манба: Муаллиф ишланмаси

Демак, инвестициялаш жараёни корхонанинг асосий фаолияти каби унинг ажралмас қисми экан. Инвестицияларнинг муҳим эканлиги иқтисодий макродаражада ривожланишида намоён бўлади. Инвестициялаш ҳажмининг ўзгарувчанлиги жамиятдаги ишлаб чиқариш таркибини ўзгартиради ҳамда иқтисодийнинг тегишли тармоқлари фаолиятига таъсир қилади. Шунинг учун инвестицион жозибаторликни бошқариш жараёнини такомиллаштириш зарур, бу айниқса ўхшаш хорижий корхоналар билан таққослаганда рақобатдош бўлмаган мамлакатимиздаги озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналари билан боғлиқ.

Инвесторларни ўрганиш бу инвестицион жозибаторликни бошқаришнинг муҳим қоидалари эканлигидан келиб чиқиб, инвесторнинг қарор қабул қилиши жараёнини янада чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқлигини билдиради. Шунинг учун салоҳиятли инвестор: бозорни ўрганиши, янги шерикларни топиши лозим. Иқтисодий қизиқиш шу каби изланишларга тўртки бўлади. Инвестор, маълум бир корхонага сармоя кирита туриб, у ёки бу сармоядан қандай фойда олишини ўйлаши керак. Аслида бундай жараён – бизнесга сармоя киритишга тайёр бўлганларга ҳам, инвестицияларни жалб қиладиганларга ҳам самарали бўлиши керак. Бироқ мамлакатимиз бозори инвестицияларни жалб этиш амалиёти бўйича сустривожланган. Шунингдек, кўпгина

компаниялар учун бу жараён аксарият ҳолларда жиддий муаммога айланади. Биринчидан, мутахассис-маслаҳатчиларнинг фикрига кўра, музокаралар учун тузилган бизнес-режалар ҳамда инвестиция меморандумлари салоҳиятли инвесторлар талабига жавоб бермайди. Иккинчидан, бозорда мавжуд бўлган инвесторлар уни ҳеч нарса билан тасдиқламайдилар.

Ривожланишнинг янги, инновацион моделига ўтиш ва озиқ-овқат саноатининг янги технологик тузилишини яратиш учун минтақадаги озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатининг ҳудудий кластерларининг технологик платформаларига асосланган давлат-хусусий шериклигининг янги шаклларида фойдаланиш зарур. Ушбу кластерларни ишлаб чиқиш учун мамлакатимиз иқтисодий субъектлари мувофиқлаштирилган ривожланишга қаратилган сиёсатни шакллантириши ва амалга ошириши ҳамда ҳудудий кластерларни ривожлантиришга қаратилган ишлаб чиқилган дастур ва лойиҳаларга мувофиқ ташаббусларни мақсадли қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши минтақалардаги озиқ-овқат етиштирувчи ва уни қайта ишлаб чиқарувчи корхоналарга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ҳамда республика иқтисодиётининг ўсиш суръатларини сезиларли даражада оширишга ёрдам беради. Юқоридагилардан келиб чиқиб, келиб чиқиб қўйидагича қисқача хулоса қилиш мумкин. Озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш, бу билан аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадли бўлиб, қўйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- озиқ-овқат саноати корхоналарида ишловчиларнинг малакасини ошириш;
- мазкур саноат тармоғига инвестиция жалб этишни такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш орқали аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Правда востока” нашри портали (<https://www.pv.uz/uz/news/uzbekiston-oziq-ovqat-sanoati-soxasidagi-yirik-korxonalar-ontaligi>).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5986-сон Фармони (<https://lex.uz/pdfs/4800005>).
3. <https://strategy.uz/index.php?news=850>
4. Li, K., Kim, D.J., Lang, K.R., Kauffman, R.J., Naldi, M. How should we understand the digital economy in Asia? Critical assessment and research agenda. Electronic Commerce Research and Applications, Volume 44, 1 November 2020/
5. Зиявитдинова Н.М. Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини иқтисодий самарадорлигини ошириш. Дисс. и.ф.н. Бух оз.ов ЕСТИ 155 б. Б. – 2006.
6. Умаров И.Ю. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш (Анджон вилояти мисолида). Дисс. и.ф.н. АМИИ 149 б. А. – 2009
7. www.fao.org
8. www.unido.org
9. www.unctad.org
10. www.oziq-ovqat.uz
11. www.mift.uz
12. www.stat.uz